

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИККА ВА
ХУҚУҚБУЗАРЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ УЧУН ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА
ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР БОРАСИДАГИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН
ИСЛОҲОТЛАРДАН БИРИ**

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ Академиясининг

313-гурух курсанти

Ибраҳимова Маржона Ўрал қизи

Аннотация: ушбу мақолада, хотин-қизлар ва болалар хукуклари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими, қонунчиликда киритилган ўзгартиришлар, қўшимчалар, содир этилган хуқуқбузарликлар ва жиноятлар учун янги киритилган жавобгарлик масалалари, хуқуқий нормалар тизими ёритилган.

Таянч сўзлар: хотин-қизлар ва вояга етмаганлар, қонун, жинсий эркинлик, шаҳвоний шилқимлик, шартли озод қилиш, ҳақ тўланадиган жамоат ишлари, васий, ҳомий, оиласи (маиший) зўравонлик, болалар масалалари бўйича комиссия, жавобгарлик, маъмурӣ, жиноий, хуқуқбузарлик.

Аннотация: В данной статье освещаются вопросы надежной защиты прав, свобод и законных интересов женщин и детей, изменения, дополнения в законодательство, вопросы вновь введенной ответственности за совершенные правонарушения и преступления, система правовых норм.

Базовые слова: женщины и несовершеннолетние, закон,ексуальная свобода,ексуальные домогательства, условно-досрочное освобождение, оплачиваемые общественные работы, опекун, опекун, домашнее (домашнее) насилие, комиссия по делам детей, ответственность, административное, уголовное, правонарушение.

Annotation: this article covers the system of reliable protection of the rights, freedoms and legitimate interests of women and children, amendments to the legislation, additions, issues of newly introduced responsibility for committed offenses and crimes, a system of legal norms.

Base words: women and minors, law, sexual freedom, sexual harassment, parole, paid public affairs, Guardian, sponsor, domestic (domestic) violence, Commission on children's issues, responsibility, administrative, criminal, violation.

Сўнгти йилларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг барчаси мамлакатимизни янада ривожлантириш, ҳақиқий хуқиқий демократик фуқаролик жамияти барпо этишимиз учун зарурдир. Энг аввало инсон қадри

учун бўлиб, фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга, уларни ҳимоя қилишга, шахс, жамият, давлат манфаатларига хизмат қилиш керак.

“Хар қандай ислоҳот қуруқ раҳамларда эмас, балки, энг аввало, аҳолининг кундалик ҳаётида, унинг дастурхони ва рӯзгорида ўз аксини топишни зарур. Бу-ҳаётий ҳақиқат. Барча орзу-ниятларимиз, машаққатли меҳнатимиз, кечани-кеча, кундизни-кундиз, демасдан амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз, ҳамма-ҳаммаси, бизга катта ишонч ва умид билан қараб турган халқимиз учундир”¹-дейдилар мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев. Шулардан келиб чиқсан холда ҳар бир шахснинг хуқуқ ва эркинликларини самарали таъминлаш мақсадида қонунчилигимизга кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда, янги қонунлар қабул қилинмоқда. Афсуски барча ижтимоий қатламларнинг хуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашда қийинчиликлар юзага келмоқда. Хусусан, буларга вояга етмаганлар ва хотин-қизларни киритишимиз мумкин.

Барчага маълумки, кейинги вақтларда Интернет жаҳон ахборот тизимидағи янгиликларда, Интернетдаги ижтимоий тармоқларда аёлларга ва вояга етмаган қизларга нисбатан қилинган жинсий тажовузлар кенг муҳокамага сабаб бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгти йилларда мамлакатимизда хотин-қизларга бўлган эътибор тубдан кучайди. Уларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соғлигини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд хотин-қизларни ижтимоий қўллаб қувватлаш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилмоқда. Юртимизда барча хотин қизларнинг хуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш устивор мақсадлардан бири сифатида белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш учун хотин-қизларнинг ўз хуқуқ ва манфаатларини ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширишида уларни қўллаб қувватлашни назарда тутувчи қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомилластириш талаб қилинар эди. Хуқуқни қўллаш амалиётида хотин-қизларнинг хуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалаларда бир қатор муаммолар мавжудлиги мутахассислар томонидан таъкидлаб келинар эди.

Хусусан, хотин-қизлар ва болаларнинг хуқуқларига даҳл қилувчи жиной қилмишлар учун мутаносиб санкциялар белгиланмаганлиги, хотин-қизларни шилқимлик ва зўравонликдан ҳимоя қилишининг хуқуқий кафолатлари мавжуд

¹ <https://yuz.uz/news/shavkat-mirziyoev-islohot-quruq-raqamlarda-emas-avvalo-xalqimizning-kundalik-hayotida-ozaksini-topishi-zarur>.

эмаслиги, тазиң қа зўравонлиқдан жабрланган шахсга давлат ҳимоясини тақдим этувчи ордернинг амал қилиш муддати (ўттиз кун) хотин-қизларнинг ҳукуқлари ҳамда қонуний манфаатлари етарли даражада ҳимоя қилинишини таъминлаш имконини бермаслиги ҳамда алиментларни тўламаганлик учун жазо сифатида жарима солиниши янада қўпроқ молиявий қийинчилекларни келтириб чиқарар эди.

Мамлакатимизда ушбу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида янги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳукуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ 829-сон Қонуни билан номусга тегиши ёхуд жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш, шахсни жинсий алоқа қилишга мажбурлаш, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, уларга нисбатан уятсиз бузук ҳаракатларни содир этиш, вояга етмаган шахс иштирокидаги порнографик маҳсулотни тайёрлаш ва тарқатиш билан боғлиқ жиноий ҳатти-ҳаракатлар учун жазо чоралари оғирлаштирилди. Мазкур жиноятларни содир этган шахслар учун жазо тайинлашни енгиллаштирувчи ҳолатлар, шу жумладан, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишни қўллаш тақиқланди.

Ногиронлиги бўлган шахсларга, вояга етмаганларга нисбатан жинсий дахлизликка ва эркинликка қарши жиноятларни содир этганлик, шунингдек, ушбу жиноятларни жабрланувчиларни тарбиялаш, ўқитиш ёки унга ғамхўрлик қилиш мажбуриятларини бажараётган шахс томонидан содир этиш учун жавобгарлик кучайтирилди. Шу билан бирга оиласвий зўравонлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарилк киритилди. Жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш бўйича энг замонавий халқаро номалар ва хорижий тажрибадан келиб чиқиб, жисмоний зўравонлик учун ҳам маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг МЖТКга ҳам бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, 28¹-модда. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равиша жалб этиш; 41¹-модда. Шаҳвоний шилқимлик қилиш; 47⁷-модда. Отаонанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш бўйича мажбуриятларини бажармаслиги; 59²-модда. Оиласвий(маиший) зўравонликлар; 247-модда. Болалар масалалари бўйича комиссиялар. Бу моддалар таркибини кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидаги ўзгартиришлар киритилган.

Алимент мажбуриятлари бажарилишини таъминловчи чора сифатида ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб қилиш каби янги маъмурий жазо чораси киритилди.

Ўзбекистон фуқаросига алимент тўлаш мажбурияти бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар маъмурий тартибда чиқариб юборилмайдиган бўлди.

Шаҳвоний шилқимлик қилиш, яъни шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган ҳамда унинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайдиган, шахснинг ташқи қиёфасини ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда, чақиришда ифодаланган, шаҳвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатларни бир марта қўпол равишда ёки бир неча марта содир этиш 15 суткагача муддатга маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлиши мумкин.

Вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (47^4 -модда), ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (47^5 -модда) каби маъмурий қилмишлар қўйидаги жавобгарликлар қўлланилишига:

- 15 сутка муддатга маъмурий қамоқقا олишга;

- 120 соатгача ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб этишга;

- маъмурий жазоларнинг мазкур турлари қўлланилиши мумкин бўлмаган шахсларга БҲМнинг 20 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, ота-онанинг ўз вояга етмаган болаларига васий ёки ҳомий тайинлаш бўйича мажбуриятларини бажармагани БҲМнинг 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши мумкин.

Оилавий (маиший) зўравонлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланиб, мазкур ҳуқуқбузарлик БҲМнинг 10 бараваридан 20 бараваригача жарима ёки 10 суткагача маъмурий қамоқقا олишга сабаб бўлади.

Шунингдек, хотинини (эрини), собиқ хотинини (собиқ эрини), бир рўзгорда яшаётган шахсни ёки умумий фарзандга эга бўлган шахсни дўпослаш БҲМнинг 10 бараваридан 20 бараваригача жарима ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоқقا сабаб бўлади.

Болаларнинг ҳаёти, соғлиғи ёки ахлоқи учун хавфли бўлган жиноятларни содир этган шахсларнинг ягона реестри тузилиб, ушбу реестрга кирган шахсларнинг таълим, тарбия, болалар соғломлаштириш, спорт ва ижодий ташкилотларида ишлаши ҳамда болалар билан бевосита ишлашни назарда тутувчи фаолият турлари билан шуғулланиши тақиқланмоқда.

Шунингдек, тазиик ва зўравонликдан жабрланганларга бериладиган ҳимоя ордерининг муддати суд томонидан 1 йилгача узайтирилиши белгиланмоқда.

Мазкур қонун 2023 йил 12 апрель кунидан расман кучга кирди.

“Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни билан Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунига, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига, Жиноят кодексига, Жиноят-процессуал кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Оила кодексига, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига, «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига, «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Қонунига, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига, «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига, «Хотин-қизларни тазиик ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига, «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Мехнат кодексига ўзгартиришлар киритилди.

У шбу қонуннинг қабул қилиниши хотин-қизлар ва болаларнинг тазиик, ҳамда зўравонликка учрашишининг олдини олиш, ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, болалар ва хотин-қизлар ҳуқуқларига оид халқаро индексларида мамлакатимизнинг ўрнини яхшилашга хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси
<https://constitution.uz/uz/clause/index>
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички Ишлар Органлари тўғрисида”ги Қонуни, 16.09.2016 йилда қабул қилинган ЎРҚ-407-сон
<https://lex.uz/docs/3027843?ONDATE2=21.04.2021&action=compare>
3. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 11 апрелдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ 829-сон Қонуни <https://lex.uz/docs/6430272>
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси <https://lex.uz/acts/111453>
5. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси <https://lex.uz/acts/97664>
6. Ўзбекистон Республикасининг Кодекслар тўплами
<https://kitobxon.com/uz/kitob/ozbekiston-respublikasining-kodekslari-toplami-1-2-jildlar>
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.10.2019 й., 09/19/865/3908-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.02.2022 й., 07/22/126/0125-сон.